

506356 314

Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА №5

_____ Когон шаҳар 2022 йил «05» январь
Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс) _____ Когон тумани
Телекоммуникация боғламаси,

(операторнинг номланиши)

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

_____ томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Юридик шахс,

Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи: Когон шаҳар Мактабгача таълим бўлими

Манзили: Когон шаҳар Коровулбозор кучаси 5-уй

Раҳбар: А.Э.Хикматов

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан интернет хизматлари учун ажратилган маблағлар доирасида куйидаги график асосида ҳақ тўлашни ўз зимасига олади Жумладан:

(сўмда)

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 Бюджет хисобидан	15 480 000				
Жами:	15 480 000				

Жами: 2022 йил учун 15 480 000 сум (Ун беш миллион тўрт юз саксон минг) сум 00 тийин.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида интернет харажати хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

3.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга қўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

3.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

3.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

Оператор қўрсатилган хизматлар ҳисоб-варақ фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориш мажбуриятини олади.

3.1.7. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.1.8. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга.

Операторнинг ҳуқуқлари:

- 2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоклари реконструкция қилиниши муносабати билан «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг рухсатсиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган ҳолда, телефонни ўзгартириб қўйиш.
- 2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик ускуналар, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузеллар, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техника комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.
- 2.2.3. Қуйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:
- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлар; тўланмаганда (бунда телефон алоқасини узиш ҳақида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);
 - абонент томонидан охириги қурилмаларни ишлатиш қоидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига ҳалакит берган ҳолларда;

4. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Ҳар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.
- 3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.
- 3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.
- 3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини узишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.
- 3.12. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.
- 3.13. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техника комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар такрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.
- 3.14. Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.
- 3.15. Абонент телефонларидан ва бошқа охириги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлиқ 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.
- 3.16. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатида эга бўлган амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.
- Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олинishi зарур.
- 3.17. Телекоммуникация тармоклари иш сифатини пасайитиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги зарур.
- 3.18. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.

4.Хизматларга ҳақ тулаш

- 4.1. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун тўловлар:
- Шартноманинг 1.2-бандида белгиланган ҳар чорак учун тулов суммасининг ўртача бир ойлик маблағининг 15% и миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилади. Ҳар ой якуни билан томонлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома асосида ҳақиқатда кўрсатилган хизмат учун қолган тўлов амалга оширилади.
- 4.2. Олдиндан тўлов тариқасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин, якуний тўлов томонлар ўртасидаги далолатнома асосида 1 ой ичида ўтказилади.
- 4.3. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган тўлов суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан қуйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:
- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;
 - ҳисоблагичлар;
 - шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.
- Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунақ суммаси тугагунга қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).

• Ҳаққини оидан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига мурожаат қилиб, алоқа хизматлари учун ҳисоб-варак фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда қилинган ҳолда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.

Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чикилади.

Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор ва «Абонент» келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шахарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлиқ миқдорда ўндириб олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Томонларнинг хошиш-истагига мутлако боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунга қадар кейинга сурилади.

8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Давлат бюджетининг Ҳисоб-китоби тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга буюртмачилар шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Оператор»

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро шох 12-уй

Тел./факс 52-4-55-37

х/в: 20210000804074838412

Банк номи: Тошкент ш., АТ Алокабанк бош офиси

МФО 00401

ОКОНХ

СТИР 203366731

«Абонент»

Когон шаҳар Мактабгача таълим бўлими

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Когон шаҳар Аҳиллик кучаси 20-уй

Тел./факс: 52-2-4-76-25

х/в: 100022860069037091100257018

бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 305157060

ОКОНХ: 92400

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Когон шаҳар бўйича Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банкнинг в ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919


Раҳбар _____
(Ф.И.Ш)

Раҳбар: А.Э.Хикматов _____
(лавозим) (Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

М.Ў.



(ИМЗО)

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _____

Гувоҳнома (диплом) № ва берилган санаси: _____



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI

KOGON SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

200500, Kogon shahar, Amir Temur ko'chasi, 3-uy

**Юридик аҳамиятга эга ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига
мувофиқлиги тўғрисида
Ҳуқуқий Хулоса**

2022 йил 10 январ

Когон шаҳри

1. Лойҳанинг тури. Шартнома.

2. Лойиҳанинг номи.

Ўзбектелеком томонидан Когон шаҳар мактбгача таълим бўлимига интернет хизмати тўғрисида 2022 йил 5 январдаги №5-сонли шартнома тўғрисида.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот.

Ўзбектелеком интернет хизмати шартномаси юзасидан 2022 йил 5 январ рақами № 7 -сон билан рўйхатдан ўтган. Марказга ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун 10.01.2022 йилда келиб тушган.

Тузилган шартнома лойиҳаси Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида, «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3016 Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ талабларига мувофиқ тузилган

Когон шаҳар юридик хизмат
қўрсатиш марказ бош юрисконсульти



Д.А.Саидов